


ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАВЗУСИДА СЕМИНАР ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ



Қумқұрғон туманиндағы 2-умумий ўрта таълим мактабида “Умумтаълим мактабларыда тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш, тизимли муаммолар ва уларни бартараф этиш, истиқболдаги режалар” мавзусида семинар ташкил этилди.

Семинарда туман Мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиғи Рамазон Нармуратов бош Қомусимизда фарзанд тарбияси ва мактаб таълими масалалари юзасидан киритилган қўшимча ва ўзгаришлар, таълим муассасаларида соғлом мухитни таъминлашда ота-оналар билан ҳамкорликнинг аҳамияти ҳақида такидлаб о'тди.

Бундан ташқари семинарда мактабдан ташқари таълим сифатини оширишдаги устувор вазифалар, ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантириш ва бу борадаги муаммоларнинг ечимлари, мактабларда ўқувчиларнинг қизиқишилари бўйича тўгараклар ишини самарали ташкил этишга оид долзарб масалалар атрофлича муҳокама этилди.